

# **Ўзбекистонга ўсимлик ёғини олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.**

Солиқ кодексига қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, **2021 йил 1 майдан 31 декабргача** қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

**Ўзбекистон ҳудудига ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш;**

**Ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича айланма.**

**2021 йил 1 майдан 31 декабргача:**

- айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан экспорт божхона божлари киритилади;

- тадбиркорларга ўзлари томонидан импорт қилинган кунгабоқар ёғи ва кунгабоқар уруғларини қайта ишлаш натижасида олинган **ўсимлик ёғининг** (ТИФ ТН бўйича коди 1512 11 – 1512 19) **50 фоиздан** ошмаган қисмини экспорт қилишга **рухсат берилади.**

**Манба: ЎРҚ-689, 29.04.2021 й.**